BUXORO VILOYATI PESHKU TUMANI HOKIMINING
QARORI

201200, Peshku tumani, Amir Temur ko'chasi, 3-uy. Tel: (65) 35-31- 6-31, faks: (65) 35-31-570, peshku.t@exat.uz

2022 - yil 9 - dekabr 620-2-39-Q/22 Peshku tumani hokimligi

Пешку туманидаги корхона, ташкилот, муассаса, хусусий корхоналарда техникаларнинг ҳарбий ҳисобини юритиш ва техник соз ҳолатини текшириш тўғрисида

Туманда Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги 119-сонли «Ҳарбий ҳисобни юритиш тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 июлдаги 259-45 сонли «Ҳарбий транспорт мажбурияти тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 1996 йил 28 август кунидаги 019-сонли ва 2013 йил 25 декабрдаги 0250-сонли буйруғи талабларини бажариш мақсадида ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари, фирмалар, мулкчиликнинг қандай формада эканлигидан қатъий назар барча хўжалик субъектларида техникаларнинг ҳарбий ҳисобини юритиш ва техник ҳолатини янада яхшилаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ташкилот, корхона, ва муассасалар, ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлари раҳбарларига:

техникаларнинг ҳарбий ҳисобини юритилиши ва техник ҳолатига жиддий эътибор қаратсин;

техникаларнинг ҳарбий ҳисобини юритилиши ва уларни техник ҳолатини сақлаш ишлари учун маъсул ходим тайинлаб, уларни мудофаа ишлари бўлими билан узлуксиз алоқада бўлишини, талаб этилган маълумот, ҳисоботларни тақдим этишни ва машғулотларга иштирок этилишини

таъминласин;

эҳтиёт қисмлар, автомобиль захира асбоб-ускуналари ва ёқилғи қуйилиш воситалари учун жавобгар шахслар иш фаолияти устидан доимий назорат қилиб бориш ҳамда техникаларнинг доимий жанговор шайлигини таъминласин;

техникаларга боғлиқ бўлган фуқароларни ишга қабул қилишда, уларни тегишли органлар маълумоти, хулқи, интизоми, маълумоти ва билимига алоҳида этибор қаратилсин;

техник кўрикдан ўтказиш даврида туман ҳудудидаги ташкилот, корхона ва муассасалар ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар балансидаги техникаларни туман мудофаа ишлари бўлими ҳисобига мажбурий равишда тўлиқ (асосий эътибор ғилдиракли ва занжир-тасма тракторлар, тиркамали ва ярим тиркамали автомобиллар, тиркамали тракторлар, юк кўтариш-ташиш, йўл ётқизиш-қурилиш техникаларига қаратилсин) олиш ишлари амалга оширилсин.

2. Транспорт воситаларининг йиллик Давлат техник кўригидан ўтказиш ишларини сифатли ва ҳаққоний таъминлаш туман ИИБ ЙХХГ катта инспектори (З.Бозоров), Пешку транспорт ва автотураргоҳлар департаменти (С.Исломов), “Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Пешку тумани бўлими (А.Норов) зиммасига юклатилсин.

Йиллик техник кўрикдан ўтказиш жадвали ишлаб чиқилсин ва бир нусхаси туман мудофаа ишлари бўлимига тақдим қилинсин.

Йиллик техник кўрикдан ўтказиш ишлари туман мудофаа ишлари бўлими билан биргаликда амалга оширилсин.

3. Туман Мудофаа ишлари бўлими (Д.Мухторов)га:

мудофаа ишлари бўлими резервистлар ва ҳарбийга мажбурларни ҳисобга олиш бўлинмаси бошлиғи ва унинг техникалар ҳисобини юритиш бўйича ёрдамчиси томонидан белгиланган режага асосан корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда техникалар ҳарбий ҳисобини юритиш ва техник ҳолати текширилиб, натижалари қайд этилган далолатномалар нусхаси туман ҳокимлигига тақдим этиб борилсин;

мудофаа ишлари бўлими техникаларни ҳарбий ҳисобга олиш ва ҳарбий

ҳисобдан чиқаришда конун талаблари асосида амалга оширсин;

техник кўрикдан ўтказиш даврида мудофаа ишлари бўлими томонидан ажратилган ходим, техникаларни кўрикдан ўтказиш жадвалига асосан доимий иш жараёнида қатнашиши таъминлансин.

4. Туман алоқа боғламаси (У.Очилов)га:

туман мудофаа ишлари бўлимида жанговор ва сафарбарлик тайёргарлигини ошириш мақсадида мудофаа ишлари бўлими билан корхона, ташкилот, муассасалар, хусусий корхоналар, фирмалар раҳбарлари ўртасида узлуксиз телефон алоқаси ўрнатилиши, яъни ўз ҳисобларидан ишончли алоқа УЗМОБИЛ билан таъминланиб, рақамлари тақдим этилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Ражабов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **В.Қаҳҳоров**